

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 21 май, № 106 (7886)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

2021 йилнинг 18 май куни юртимиз учун яна бир тарихий воқелик юз берди. Шу куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида мамлакатимиз Президенти таклифига биноан Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинди. Бу эса халқаро ҳамжамият Ўзбекистонни, давлатимиз раҳбарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганлигининг ўзига хос ифодаси ҳамдир.

### ҚАЛБЛАРДА УМИД УЙФОТГАН ЭЗГУ FOЯ

Шу ўринда ушбу ташаббус илгари сурилган 2020 йилнинг 23 сентябрь санасини эслаш ўринли. Уша куни Юртбошимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида қатнашиб, ўзбек тилида нутқ сўзлади ва қатор ташаббусларни илгари сурди. Юқорида номи келтирилган резолюция ана шундай муҳим тақдирлардан бири бўлди.

Орадан атиги етти ой ўтиб, дунёнинг турли минтақаларидаги 60 га яқин давлатлар ушбу резолюцияга ҳаммуаллиф бўлди ва Бош Ассамблея Оролбўйи минтақасидаги экологик, ижтимоий, иқтисодий ҳамда демографик вазиятни яхшилашга қаратилган минтақавий тадбирлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашни эълон қилди.

Табиийки, ушбу ташаббус қўллаб-қувватлашни замирида, аввало, давлат раҳбарининг кучли сиёсий иродаси, янги Ўзбекистон халқаро дипломатиясининг таъсирчан на- тижалари, Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўрнатилган яхши қўнчилик муносабатлари ва албатта, кейинги йилларда ўз кучини ҳамда имкониятларини ишга солиб, Оролбўйи минтақасида амалга оширилаётган кенг қўламли саъй-ҳаракатлар борки, ҳамжамият бу ишларни қўриб-билиб турибди ва эътироф этмоқда.

Агар эътибор қаратсак, ўтган етти ой давомида ҳам бир қатор натижалар ишлар рўёбга чиқарилди. Аввало,

2020 йил 11 ноябрда қабул қилинган "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қароридан Оролбўйи шаҳар ва туманларининг ўсиш нуқталари ("драйвер" соҳалари), ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси оғир бўлган

### Муносабат

Орол денгизи оқибатларини бар- тараф этишга қаратилган долзарб вази- фалар камраб олинган ва муҳими, улар бутун дунё иш- тиригида амалга оширилади. Ўзининг бўлса, давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 23 сентяб- ридан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессия- сидаги нутқида глобал иқлим ўзгаришлари ва Оролбўйи ҳудудидagi вазиятга алоҳида тўхта- лган ҳамда махсус резолюцияни қабул қилиш

### МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОР ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюциянинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида бир овоздан қабул қилиниши дунё жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Негаки, бу ҳужжатда инсон таъсири билан йўқ қилинган Орол денгизи оқибатларини бар- тараф этишга қаратилган долзарб вази- фалар камраб олинган ва муҳими, улар бутун дунё иш- тиригида амалга оширилади. Ўзининг бўлса, давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 23 сентяб- ридан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессия- сидаги нутқида глобал иқлим ўзгаришлари ва Оролбўйи ҳудудидagi вазиятга алоҳида тўхта- лган ҳамда махсус резолюцияни қабул қилиш

цялари Ўзбекистон Президентининг ташаббусини юксак баҳо- лади ва унинг нафақат Марка- зий Осиё, балки жаҳоннинг бошқа мамлакатлари учун ҳам ўта муҳимлигини билдирган. Шундай қилиб, Оролбўйи минтақаси БМТ Бош Ассам- блеяси томонидан Экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деган мақомага эга бўлган биринчи минтақага айланди. Оролбўйи минтақасидаги экологик, ижтимоий, иқтисодий, демографик вазиятни яхши- лашга қаратилган минтақавий тадбирлар ва ташаббуслар- нинг қўллаб-қувватлашни за- мирида, аввало, инсон олий қадрият эканлиги, аҳоли, ай- никса, аёллар ҳамда болалар- нинг фаровон ҳаёт кечирishi учун барча шарт-шароитни яратиш устувор масала экан- лиги резолюция билан яна бир бор мустаҳкамланди.

### ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ — УСТУВОР МАСАЛА

Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитасининг Қорақалпоғистон Республикасида "аёллар дафтари" юритилиши ҳолати, аёллар муаммоларини тизимли ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги вази- фалар ижроси бўйича маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ахборотини эшитишга бағишланган сайёр йиғилиши ўтказилди.

### Сайёр мажлис

Қайд этилганидек, ҳудудда "аёллар дафтари" ягона элек- трон платформаси яратилган бўлиб, унга 30 ёшдан ошган 24 минг 500 дан зиёд хотин- қизлар киритилган. Улардан 16 минг нафари ишсиз, 2 минг 170 нафари боқувчи- сини йўқотган, 1 минг 927 на- фари I ва II гуруҳ ногиронли- ги бўлганлардир.

### ЖОЙЛАРДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҚАТЪИЙ ЎРНАТИЛЯПТИМИ?

Кеча Олий Мажлис Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси мажлиси бўлиб ўтди.

### Қонун ва ижро

Тадбирда дастлаб "Фуқаро- лар соғлигини сақлаш тўғри- сида"ги Қонун ижроси, жумла- дан, болаларда касалликларни эрта аниқлаш ва профилакти- ка қилиш, болалар тиббий кўригини ҳамда даволаш- соғломлаштириш ишларини ўз вақтида амалга ошириш, она- лик ва болалани муҳофаза қилиш борасидаги прокурор назорати ҳолатининг Сурхон- дарё вилоятда ўрганиш нати- жалари муҳофаза қилинди. Таъкидланганича, вази- рликлар, давлат кўмиталари, идо- ралар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, қорхона, муас- саса ва ташкилотлар томони- дан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш прокуратура органла- рининг вазифаси ҳисобланади. Вилоятда 2020 йил давоми- да жами 35 та оналар ўлими қайд этилган бўлиб, 2019 йил- нинг шу давридагига нисба- тан 19 тага ўсган. Болалар ўлими олдинги йиллардагига

## ПАРАЛИМПИА ҲАРАКАТИ Ўзбекистонда унинг равнақида янги босқич бошланди.



Акс садо. Баъзан ҳаёт зарбалари, ташвишлари олдидан ўзимизни охиш ҳис қиламиз, тушунлик хисси бизни ўз "бағрига олади". Натижада ҳаётдан нолиймиз, дунёни адолатсизликда айблай бошлаймиз. Бироқ инсон матонати, сабр-бардоши, ҳар қандай оғир дамда ҳам ўзлигини йўқотмагани билан азиз ва муқаррам. Ана шундай инсонийликнинг юксак намунасини кўрсатган кишилар фақат афсоналарда, қадим мазий қатларда ёхуд эртақларда эмас, сизу бизнинг ёнгинамизда, замондошлар орасида ҳам мавжуд. Инсонлар бор кенг йўлларда югуриш, яқинларининг

## ҚАРЗ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ОЛИНАДИ

Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ва унинг таркиби бўйича расмий маълумотлар эълон қилинган, ижтимоий тармоқларда, интернет саҳифаларида айрим фуқаролар томонидан вазиятни тўғри баҳолашдан туриб, танқидий фикрлар билдирилди бошланди. Ҳолбуки, давлат ва халқ манфаатлари билан боғлиқ масалаларда муносабат билдириш ёки ҳаёт тарқатишдан олдин масалани атрафлича таҳлил қилиб, кейин фикр айтилса тўғривор бўларди. Сирасини айтганда, бутун дунёда қарздор бўлмаган мамлакатнинг ўзи йўқ. Яъни давлат ташқи қарзини муҳтожлик туйғули олмайд. Мисол учун, ҳозир АҚШнинг ташқи қарзи 30 триллион долларга яқинлашиб қолган. Ривожланган, дея эътироф этилувчи Япония, Франция, Италия, Россия каби давлатларнинг ҳам халқаро кредиторлар олдидан қарзлари мавжуд.

### Нуктаи назар

Давлат қарз давлатнинг ташқи ва ички кре- диторлар олдидан қарзлари, шу жумладан, маз- кур қарзлар бўйича ҳисобланган фоизлар миқ- дори ҳамдир. Оддий айтганда, давлат қарзи, бу — давлатнинг хорижий кредиторлар (хорижий давлатлар ва сармоядорлар, халқаро молиявий институтлар) ҳамда ўз фуқаролари ва юридик шахслар — резидентлар олдидан мажбурият- ларидир.

### Ҳойда келтирувчи ва фаровонликни таъминловчи восита

Аслида, ташқи қарз мақсадли кредитлар, сар- моялар ва бошқа маблағларнинг мамлакат иқти- содиётига кириб келишини билдиради. Халқи- мининг фаровон ҳаёти ҳамда иқтисодиёти барқарор ўсишини таъминлаш учун, аввало, инфратузилмани ривожлантириш зарур.

### Халқаро конференция

## Central Asia: КИТОБХОНЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Айни кунларда пойтахтимизда "Central Asia: фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот кутубхона ресурслари" мавзусида XIV халқаро конференция бўлиб ўтмоқда. Унда Россия, Арманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Беларусдан ташриф буюрган кутубхоначилар, зиё масканлари раҳбарлари, соҳа мутахассислари қатнашмоқда. Конференция дастури доирасида китобхонлик, кутубхоначиликнинг олдидан турган истиқболдаги вазифалар ҳамда соҳада ўз ечимини қутаётган масалаларга бағишланган илмий-амалий семинарлар, маҳорат дарслари онлайн ва офлайн тарзда ташкил этилмоқда. Мазкур тадбирларда пандемия шароитида бутун дунё кутубхоналари тажрибаларига, кутубхоначи кадрлар салоҳияти, зиё масканларида илмий-методик жараён, илмий фаолият юретишда жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланишнинг муҳимлиги алоҳида эътибор қаратилмоқда.

### Сўз — тадбир иштирокчиларига

Татьяна КУЗЬМИНЧИ, Беларусь Миллий кутубхонаси бош директори ўринбосари: — Конференция доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона- сининг 150 йиллик юбилейи кенг нишонланиши, бу бай- рамда бизнинг бевосита иш- тирок этаётганимиз жуда қув- нардир. Ахборот-кутубхона, на- шриёт-матбаа ва китоб савдо- си соҳалари мутахассислари- нинг йиғинида иштирок этаётгани бу йўналишдаги муаммо ва камчиликларни очиб беради, айбатта. Муस्ताқил Давлатлар Ҳам- дўстлиги мамлакатларида ки- тоб ва китобхонликни тарғиб қилиш ҳамда оммалаштириш бўйича биргаликдаги саъй- ҳаракатларни бирлаштириш, мутолаа маданиятини ривож- лантириш бўйича энг муваф- фақиятли методик ишланма- лар, лойиҳаларни ишлаб чи- қиш, аниқлаш мақсадида "Ки- тоб ва мутолаа жамяят рив- ожланишидаги стратегик ре- сурс" ҳамдўстлик форуми илк бор Ўзбекистонда ташкил қилинган бу йилги конферен- циянинг ўзига хошлиги, деб ўйлайман. Ушбу форум кутуб- хоначилик соҳаси, китоб ҳамда маърифат ёғдусини тарқатиш билан боғлиқ маҳаллий ва ҳамдўстлик мамлакатлари му- тахассислари учун тажриба алмашиш майдончасига ай- ланди.

### Биргун УНАЛ, Туркия Президенти ҳузурдаги Халқ кутубхонаси касбий-техник хизматлар бўлими директори ўринбосари:

— Аввало, ҳар йили анъ- анавий тарзда ташкил эти- либ, турли давлат зиёлила- рини ўз бағрига қорловчи "Central Asia: фан, таълим, маданият ва бизнесда ин- тернет ва ахборот кутубхо- на ресурслари" халқаро кон- ференциясининг вазифалари ҳақида тўхталиб ўтсам.

### АДИБЛАР ХИЁБОНИДА — АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Адиблар хиёбони чинакам маърифат манзилга айланиб бормоқда. Ҳазрат Навоий бобомизнинг, шунингдек, атоқли шoir ва ёзувчилар ҳайкаллари қошидаги мушоиралар, тантанали байрам дастурлари юртдошларимиз маънавиятини бойитмоқда.

### Танлов

"Катта адабиёт байрами" ҳафталиги доирасида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги тегишли қарори асосида таъсис этилган "Илҳом" мукофоти совриндор- ларини тақдирлаш маросими ҳам мазкур зиё масканида бўлиб ўтди. Тадбир Олий ва ўрта мах- сус таълим вазирилиги, Ёзув- чилар уюشمаси ҳамда қатор ташкилотлар томонидан таш- кил этилди. Унда давлат ҳамда жамоат арбоблари, таниқли шoir ва ёзувчилар, талаба- ёшлар қатнашди.

### Янги рукн: Очиқчасига гаплашамиз

## КЕНЖА ТУМАННИНГ «КЎҲНА» МУАММОЛАРИ УЛАР ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги қарори билан Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт тумани ташкил этилган эди. Унинг ҳудуди 4 419,6 гектар, аҳолиси 147 798 нафар. Ҳўш, бутун ушбу ҳудудда қандай ўзгаришлар кўзга ташланаётир? Бу жараёнда аҳолини қандай муаммолар қийнамоқда? Туман раҳбарлари уларнинг ечимида қандай йўл тутмоқда? "Халқ сўзи" муҳбири Тошкент шаҳридаги ҳудудий ҳижатдан энг катта, асос солинганга эндигина бир йил бўлган Янгиҳаёт тумани ҳокими Ҳаёт ИНОҒОМОВ билан ана шулар ҳақида суҳбатлашди.

### Роппа-роса бир йил муқаддам давлат раҳбари сизнинг номзодингизни Янгиҳаёт тумани ҳокими лавозимига тавсия қилган эди. Нима деб ўйлайсиз, нега айнан сизга тўхталинди?

— Бунинг аниқ сабабини

ўзим ҳам билмайман. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — Тошкент шаҳар канал- лардан фойдаланиш ва улар- га туташ ҳудудларни ободон- лаштириш бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаб келаётган эдим. 2020 йил 28 май куни Ўрта- саройда карантин зонасини қуриб битказиб, уйга кечаси соат иккиларда қайтандик. Бу- нақа гапдан хабарим йўқ эди. Эртаси куни дам олиб, пешин- дан сўнг ишга келаман, деб режа қилгандим. Чунки қарийб икки ой уйга келмаган, оилами кўрмаган эдим. Хуллас, эр- талабдан ишга қақирдим ва бу янгиликдан хабар топдим.

# ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



## МАЗМУНАН САЁЗ КИТОБЛАР НАШР ЭТИЛИШИ ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Миллий тикланиш" ДП фракцияси, Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси томонидан "Китоб ва босма махсулотларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш тизимидagi мавжуд муаммолар" мавзuida тадбир ўтказилди.

Йиғилишда нашриёт-матбаа соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, китобхонликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар буйича ахборотлар ҳам эшитилди.

Китобхонликка берилётган эътибор тўғрисида сўнгги йилларда ўзбек ва жаҳон умумтаълим бадий адабиёти намуналарининг, илмий-оммабоп, энциклопедик, маънавий-маърифий йўналишлардаги нашрларнинг умумий китоб маҳсулотларидаги улуши ошди.

Масалан, 2017 йилгача ўқув адабиётларидан ташқари китоб маҳсулотларининг улуши 25 — 30 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда мазкур кўрсаткич 40 — 45 фоизга ўсди ва бу жараён давом этмоқда.

Тадбирда нашриётлар фаолиятида хануз мазмунан саёз, амалдаги стандарт талаблари мос келмайдиган, хатто айрим ҳолларда, менталитетимизга ёқармайдиган китобларнинг мавжудлиги таъсир қилиши мумкин бўлган китобларни ҳам нашрдан чиқариш ҳолатлари кузатилаётгани таъкидланди.

Йиғилиш якунида билдирилган тақлиф-мулоҳазалар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ТАШҚИ ҚАРЗ ИЖРОСИ — НАЗОРАТДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Дастлаб депутатлар давлат ташқи қарзи ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларнинг ҳолатини муҳокама қилди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг давлат қарзи жами 23,3 миллиард доллар эквивалентда, ёки ЯИМнинг 40 фоизига етган. Хусусан, бу маблағларнинг 21 миллиард долларга ёки ЯИМнинг 36,5 фоизга тенг қисми давлат ташқи қарзини ташкил қилади.

Депутатлар Жаҳон банкининг 100,0 миллион доллар миқдордаги кредити ҳамда 24,1 миллион доллар миқдордаги Давлат Бюджети маблағлари ҳисобига 2019—2021 йилларда амалга оширилаётган "Урта шахарларни комплекс ривожлантириш" инвестиция лойиҳаси асосида Ҳисоб палатасининг ўрганиш натижалари тўғрисидаги ахбороти ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ҳисоботини эшитди.

Жумладан, лойиҳани амалга ошириш гуруҳининг фаолияти самарали ташкил этилмаган. Яъни гуруҳда бажарилган амалий ишлар юзасидан дав-

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

### Хайрилло ГАФФОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экологик партия фракцияси раҳбари:

— Мазкур резолюциянинг қабул қилиниши Марказий Осиё минтақаси давлатларининг экологик, иқтисодий ҳамда иқтисодий муаммоларни ҳал этишда сайёҳат-катталикни бирлаштириш, тиҷлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда экологик хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Орол денгизи фожиаси натижасида сув ресурслари танқислиги, ер деградацияси, чўлланнишни кучайиши, биохимияликнинг кескин камайиши ва бошқа жиддий климат ўзгаришлари тобора чуқурлашиб бораётганлиги нафақат минтақамиздаги, балки дунёдаги экологик ҳамда атроф-муҳит муҳофазасига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонда жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон томонидан Орол денгизи фожиаси оқибатларини юмшатиш, унинг куриган тубида ўрмонлаштириш юмушларини бажариш, Оролбўйи ҳудуди аҳолиси фаровонлигини ошириш буйича улкан ишлар амалга ошириляпти.

Биргина мисол, сўнгги 40 йил давомида Оролнинг куриган тубида қарийб 400 минг гектарда ўрмонзор ташкил этилган бўлса, 2018 йилнинг декабрь ойидан ҳозирги кунга қадар эса 1,5 миллион гектардан ортиқ майдонга саксовул ва шўрга ҳамда қурғоқчиликка чидамли бошқа ўсимлик уруғлари сепилди ва кўчатлари экилди. Ушбу ҳудудларда чўл ўсимликларидан "яшил қопламалар" — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш ишларининг олиб борилиши, ўз навбатида, Орол денгизининг суви куриган тубида кўтарилаётган қум, туз ҳамда чанг зарраларининг салбий таъсирини камайтириш, глобал климат ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ ҳужалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёти ва фаолиятига салбий таъсири янада юмшатиш имконини беради.

Шундай экан, биз, сенаторлар ҳам унда мустаҳкамлаб қўйилган вазибалар ижроси йўлида бор куч-ғайратимиз ва билимимизни аямимиз.

### Шоҳноза ХОЛМАҲМАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мазкур резолюция барчамизга, айниқса, Оролбўйи минтақасида истиқомат қилаётган аҳолида жуда катта умид уйғотди. Негаки, катталиги буйича дунё кўллари орасида тўртинчи ўринни эгаллаган Орол денгизи Ўрта Осиё ҳудудида иқлим ҳолатини назорат қилиш, об-ҳаводаги кескин ўзгаришларни юмшатиш вазифасини ҳам бажарган. Ҳудудга кириб келган шамол массалари Орол денгизи акваторийси таъсирида қишда илиқлашган, ёзда эса салқинлашган. Яқин йилларда Оролбўйида ана шундай муҳит қайтишига умид уйғонди, десак, тўғри бўлади.

Сир эмас, бунақа йирик лойиҳалар учун халқаро молия ташкилотлари, жамғармалар осонликча маблағ ажратмайди. Айтмоқчимизки, Президентимиз бошчилигида кейинги йилларда ушбу экологик жиҳатдан оғир бўлган ҳудуддаги вазият глобал муаммо эканлиги ҳамда биргаликда унга ҳаёт бағишлаш мумкинлиги исботлангани халқаро ҳамжамиятнинг бу масалага жиддий эътибор қаратишига умид.

Дастлаб Орол ҳудудида дарахт ўстириш ҳақида хабарлар чиқа бошлаганида, кўпчилик бунга ишонмаганди. Худдики, бу иш умуман имконсиздек туоларди. Лекин давлатимиз раҳбари Оролга катта эътибор қаратди. Йилга 500 минг гектарни "яшил қоплама" билан қоплаш вазифаси қўйилди.

Орол денгизи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси, деб эълон қилиш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси қабул қилинишига эришилгани Оролбўйи минтақасида экологик вазиятнинг яхши-ланишига, унинг глобал салбий таъсирларини юмшатишига хизмат қилади.

### Шоҳиста ТУРҒУНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Тақлиф этилган ҳужжат дунёнинг турли минтақаларидаги 60 га яқин мамлакатлар, жумладан, Россия, Хитой, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон, Туркия, Япония, Покистон, Эрон, Ҳиндистон, Миср, Малайзия, Сингапур, Вьетнам, Бангладеш, Иордания, Умюн, Озарбайжон, Беларусь, Грузия, Венгрия, Руминия, Жапония, Туркия ва бошқа мамлакатлар ҳаммуаллифлик қилишди. Бу билан Оролбўйи муаммоси минтақавий эмас, глобал муаммога айлангани ҳамда унинг салбий оқибатларига қарши курашиш халқаро миқёсдаги иш экани яна бир бор ўз исботини топди.

## ҚАЛБЛАРДА УМИД УЙҒОТГАН ЭЗГУ ҒОЯ

Шуларга мос равишда вазирликлар, идоралар, нодавлат ноижорат ташкилотлари, адабиёт, санъат, маданият аҳли салоҳияти ҳам мазкур дастурлар ижросига йўналтирилган. Олий Мажлис Сенатида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси ташкил этилиб, бой ҳаётий тажрибага эга, малакали ва кучли мутахассис-сенаторлар кўмитаси таркибига киритилгани ҳам бунга тасдиқланди.

Шундай қилиб, минтақадан олиб борилаётган ишлар суръати тобора тезлашаётган. Эндликда эса бошланган хайрли ишлар халқаро миқёсда, БМТ шафелигида яна ҳам кенг қўлама касб этади ва минтақадан юзга келган ҳолат,

албатта, бартараф қилинади. Махсус резолюцияга кўра, Оролбўйи табиатини тиклаш ва яхшилаш, табиий ресурсларни сақлаш ҳамда аҳоли ҳаёт сифатини ошириш йўлидаги илмий тадқиқотлар рағбатлантирилади, фанларо тадқиқотлар ўтказиш, экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, инклюзив ҳамда экологик барқарор иқтисодий ўсиш, энергия ва сувни тежовчи технологиялар қўллаб-қувватланади. Бу эса бора-бора Оролбўйида ҳаёт янза тушади, деганидир.

### Маҳмуджон ПАРПИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

## МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИГА ДАҲЛДОР ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Резолюция минтақамизда мамлакатлари ўртасида "яшил иқтисодиёт", яшил ҳудудлар, соф экологик муносабатларни янада ривожлантиришга туртки беради. Қолаверса, инновацион технологияларга асосланган соф экологик ҳудудга асос солиши, экологик янги технологияларни жорий этиш буйича қизиқиш ортади, ушбу йўналишда инвестиция жозибадорлигини оширади, туризм ривожланишига йўли очади.

Шунинг ўзидек, ушбу резолюциянинг қанчалик долзарб аҳамиятга эга, миллатимиз келажагига даҳлдор тарихий ҳужжат эканини кўрсатиб турибди. Шундай экан, биз, сенаторлар ҳам унда мустаҳкамлаб қўйилган вазибалар ижроси йўлида бор куч-ғайратимиз ва билимимизни аямимиз.

### Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси.

## ЖОЙЛАРДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ КАТЪИЙ ЎРНАТИЛЯПТИМИ?

Мажлисида комиссиянинг Хоразм вилоятида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси, шу жумладан, коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш буйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижроси, берилган имтиёз ва преференциялар қўлланилиши қонунийлиги юзасидан прокурор назорати ҳолатини ўрганиш натижалари хусусидаги масала ҳам кенг таҳлил қилинди.

Вилоят буйича 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра солиқ тўловчи юридик шахслар 20 минг 372 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 3 минг 931 тага кўпайган. Бироқ прокурор назорати қатъий ўрнатилмагани боис соҳада қатор хато ва камчиликларга йўл қўйиб келинаётганлиги танқидий фикрлар айтилишига сабаб бўлди.

Хусусан, вилоят солиқ бошқармаси ва қўйи тизимлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувлар сони камайганлиги, солиқ назорати тизими ўта мураккаблиги тадбиркорларнинг самарали фаолият юритишига тўсқинлик қилган. Натижада вилоятда ўз фаолиятини тўхтатган тадбиркорлар сони ўтган йилдаги нисбатан кўпайган.

Шунингдек, кадастр бўлими томонидан вилоятдаги айрим ер майдони ва бино-иншоотлар кадастр бўлимининг ДСИ билан интеграция қилинган махсус дастурига киритилмаган. Оқибатда "Урганчавтошхобекат" ДУК томонидан ДСИга ҳисоботлар топширмагани ҳамда кадастр бўлими томонидан ер ва бино буйича маълумотлар дастурига киритилмагани натижасида жами 480 миллион сўмлик ер ҳамда мулк солиқлари ҳисобланмагани ва тўланмагани ДСБ ходимлари томонидан ўтказилган якуний текширишда аниқланган.

Бундан ташқари, назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш буйича аттестация ўтказиш тартиби ўрганилганда ҳам камчиликлар мавжудлиги аниқланган.

Мажлисида мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида тавсиялар берилди ҳамда комиссиянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

## ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ — УСТУВОР МАСАЛА

Уларни иқтисодий адаптация қилишга қўллаб-қувватлаш, социал-иқтисодий қўллаб-қувватлаш буйича шаҳар ҳамда туманлар "Йўл хариталари" ишлаб чиқилган. Шу йилнинг 1 май ҳолатига 20 минг 748 нафарига амалий ёрдам кўрсатилган. Айни чоғда 11 минг 860 нафар аёлнинг бандлиги таъминлангани ҳам эътиборга молик.

Президентимизнинг "Республика ҳудудларида тикув-трикотаж махсу-

лотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Мўйноқ, Тахтақопир, Қонликўл, Эликқалъа, Бўзотов, Тўртқўл, Беруний, Нукус туманларида ҳамда Нукус шаҳрида 2,55 минг нафар иш ўрнига эга 10 та тикув-трикотаж мажмуаси ташкил этилган, ҳозирги кунда уларда 874 нафар аёл фаолият юритмоқда.

Ҳудуддаги 416 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳар бирида "Аёллар маслаҳат кенгаши" тuzилган ва улар учун хоналар ажратилган. Шунингдек, таълим ва зўравонликдан жабрланган 1 минг 98 нафар хотин-қизга ҳимоя ордери берилган. Оғир турмуш шароитида яшаётган 311 нафар хотин-қиздан 40 нафарига тиббий ёрдам кўрсатилиб, 7 нафарига кредитлар ажратилган.

## МУАММОЛАР ЕЧИМИДА БЕШТА МУҲИМ ЙЎНАЛИШ БЕЛГИЛАНДИ

Аҳоли кайфиятига таъсир кўрсатадиган, шунингдек, унинг иқтисодий, иқтисодий ривожига ҳам узақ таъсирга эга бўлган соҳа, бу — тиббиёт.

Чунки фуқаролар соғлигини сақлаш — сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий, тиббий, санитар-гигиеник, эпидемиологик чора-тадбирлар жамламасидир.

### Фикр

Охириги тўрт йил давомида соғлиқни сақлаш тизимига эътибор ботунлай ўзгарди. Хусусан, давлат раҳбари соҳани шахсан ўз назоратида олиши натижасида тиббиётда мулкка янги тизим яратилмоқда.

Кўни кеча Президент раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар ва ечимлини кутаётган масалалар атрофида муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси асосида соҳа босқичма-босқич

таъминлаштириб келинмоқда. Жумладан, сўнгги бир йил мубайнида тиббий хизмат бериш йўлини оширишга қаратилган 20 дан ортиқ Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Булар — бирламчи тиббиёт бўғини касалликни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, иқтисослаштирилган марказлар томонидан жойларда тор доирадаги тиббий хизматлар ҳажминини ошириш ҳамда сифатини тўдан яхшилаш, рақамлаштириш орқали соҳада қўзғобозлик, бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш, тиббиётнинг барча йўналишларида рақобатни кунайтириш ҳамда хусусий сектор иштирокчини кенгайтириш ва тиббиёт ходимлари билиминини ошириш, таълим ҳамда илм-фанни ривожлантириш.

Мазкур йўналишлар асосида тиббиёт соҳаси равақига эришиш аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш ва

Мажлисида аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ижтимоий ишлар билан биргаликда, қатор камчиликларга йўл қўйилгани ҳам айтиб ўтилди. Масалан, "аёллар дафтари"га киритилган барча тоифадаги ола-сингилларимиз билан ишлаш етарли даражада йўлга қўйилмаган. Хотин-қизларга томорқадан фойдаланиш учун ер ажратиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кредит бериш ишлари сўст.

Сайёр мажлисида кўрилган масалалар буйича кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

## АДИБЛАР ХИЁБОНИДА — АДАБИЁТ БАЙРАМИ



Танловнинг саралаш босқичи шу йилнинг 16-17 март кунлари олий таълим муассасаларида ўтказилиб, номзодлар миллий адабиётимизнинг дурдона асарлари, адиб ва мутафаккирларнинг бой маънавий мероси, шоир ҳамда ёзувчиларнинг

Маросимда ғолиблар эълон қилинди. Уларга пул мукофотлари тақдим этилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси А. Абдувоҳидов ҳамда Бош вазир ўринбосари Б. Мусаев топширди.

Танлов ғолибларига махсус диплом ва статуэткалар берилди.

Тадбир доирасида "Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот" шiori остидаги шоир ва адибларнинг ижоди ҳамда ҳаётига оид китоблар ва фотосуратлар намойиши бўлиб ўтди. Янраган дилрабо куй-қўшиқлар, латиф шеърлар иштирокчиларга хушнудлик улашди.

Адиба УМИРОВА («Халқ сўзи»).

Оқил ҒУЛОМОВ (Ўза) олган сурат.

## "Илҳом" мукофоти республика танловининг 2021 йилги ғолиб ва совриндорлари

<b>1-ўрин</b>	<b>Мадина Қаҳқарова</b> , Тошкент давлат иқтисодий университети талабаси.
<b>2-ўрин</b>	<b>Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси ҳомийлигида</b> <b>Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети жамоаси.</b> <b>Фарҳод Низомов</b> , Навоий давлат педагогика институтини талабаси.
<b>3-ўрин</b>	<b>Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳомийлигида</b> <b>Қарши муҳандислик-иқтисодий институтини "Ниҳол" талабалар театр студияси жамоаси.</b> <b>Ҳонзодаҳон Жамалова</b> , Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети талабаси.

# ҚАРЗ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ОЛИНАДИ

Аҳолининг яшаши, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик билан шуғулланиши учун зарур бўлган энергетика, сув таъминоти, транспорт ҳамда коммуникация инфратузилмалари раванки учун катта миқдорда сармоялар талаб этилади. Демак, булар фойда келтирувчи ва аҳоли фаровон яшашини таъминлашга хизмат қилувчи воситалардир.

Шу ўринда бир омилни ахши билиб олишимиз керак. Аввало, Ўзбекистоннинг хозирги кундаги ташқи қарзи миқдори кўп эмас. Бунга халқаро молиявий ташкилотлар ва муассасалар, экспертлар ҳам тан олади. Иккинчидан, ташқи қарз хавотирга туширадиган сабаб ҳам эмас. Агар бу қарз нотўғри сарфланса ёки очик бўлмаган жараёнлар орқали ўзлаштирилса, ана шундангина хавотир ўринли ҳамда асосли бўлади.

Кейинги йилларда Президентимиз раҳбарлигида халқимиз турмуш фаровонлиги йўлида жуда катта мақсад ва вазифаларни амалга оширишга киришилди. Инвестицияларни барқарор жалб этиш ҳам ана шу мақсадлар сирасига кирилади.

Аёниқ, инвестиция ўз-ўзидан кириб келмайди. Бунинг учун мамлакатда инфратузилмани ривожлантириш зарур. 2016 йилгача ҳам халқаро сармоядорларнинг мамлакатимизга ҳозиргидек инвестиция олиб кираётганининг асосий сабаби ҳам шунда. Уларга қўлай муҳит ва инфратузилма зарур. Масалан, хорижлик сармоядор ишлаётган жойида равоқ йўл, электр энергияси, иссиқ ҳамда совуқ сув, интернет ва бошқа керакли инфратузилмалар бўлмаса, у бундай жойга бормайди.

Шу маънода, қарз олиб, уни аниқ ҳисоб-китоблар билан сарфлаб, кейинчалик бошқичма-бошқич қайтариш жуда тўғри йўллар. Мақсад битта — халқимизнинг бугунгидан-да фаровон ва бахтли яшашини таъминлаш. Ўзбекистоннинг бизнес

юритиш ҳамда инвестиция киритиш учун эриш жозибдор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш ҳам олдимизда турган энг муҳим вазифадир. Зеро, жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасига қарайдиган бўлсак ҳам мазкур амалиёт ўзини тўла оқлаган.

## Ишонч — ҳамкорликни мустақамлайди

Яна бир гап. Ташқи қарзларни нуфузли халқаро молия ташкилотларининг мамлакатимизга бўлган ишончи, деб баҳолашимиз керак.

Бинобарин, такрор ва такрор айтсак ҳам ўринли: қарз хар қандай давлатга ҳам берилмаётган. Аввало, қарз олувчининг ишончилиги, иқтисодий имкониятлари ҳамда истиқболлари чуқур ўрганилади. Ўзбекистонни эса салкам 35 миллионли аҳолиси бор катта бозор ва исติқболли мамлакат, деб билишадди. Аҳолининг асосини ёшлар ташкил этгани ҳамда интеллектуал салоҳияти туфайли Ўзбекистонимизга қизиқиш юқори.

Олди-берди қилиш жамиятда одамлар ўртасидаги муносабатга ўхшайди. Мисол учун, йирик пулдорсиз. Олдингизга биров қарз сўраб келса, унинг ижтимоий аҳолига қарайсиз. Суриштирасиз, қаердан даромад топишини, пулни қачон қайтара олишини. Ишона олсангизгина қарз берасиз.

Таъкидлаш жоизки, давлатларнинг ташқи қарзи атрофида доимо баҳс юритилади, турли фикрлар учрайди. Гап шу ҳақда кетганда давлатимизга ишонч юқори, десақ, адашмаган бўламиз.

Айрим мамлакатлардаги беқарорлик, нотинчлик, коррупциянинг юқори кўрсаткичлари туфайли Халқаро валюта фонди ёки Жаҳон банки пул ажратишни тўхтатиб қўйди. Чунки уларнинг давлат қарзи

ялли ички маҳсулотнинг 50 — 60 фоизидан ошиб кетди. Мана шундай кўрсаткичлар иқтисодиёт учун хавотирли ҳол саналади.

Масалан, 2019 йил якунилари бўйича Япониянинг давлат қарзи ялли ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатан 236,6 фоизни ташкил этган. АҚШда 138 фоиз, Европа Иттифоқи доирасидаги Грецияда 176,7 фоиз, Италияда 137,6 фоиз, Португалияда 120,0 фоиз, Бельгияда 104,4 фоиз, Францияда 99 фоиз бўлган.

## Ҳаммада бирдек эмас

Ташқи қарзнинг ҳажми ҳаттоки ривожланган мамлакатлар аҳолисини катта ташвишга солади ҳамда солиқлар кўпайиши билан хавотирлар пайдо бўлади. Бунга ўхшаш хавотирлар мамлакат ташқи қарзини бюджет дефицити (тақчиллиги)ни қоплашга йўналтирган вақтларда кескинлашади.

Тўғри, жаҳондаги умумий вазият коронавирус пандемияси оқибатида оғирлашди. Табиийки, пандемия нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда давлат қарзи кўпайишига олиб келди. Аммо Ўзбекистон ҳеч қачон қарзни бюджет камомадини қоплашга йўналтирмади.

Иқтисодий ночор давлатлардаги ташқи қарз билан боғлиқ ҳолатлар янада аянчи эканини қузатиш мумкин. Масалан, Африканинг чуқур қарзга ботган мамлакатлари қаторига Ангола, Конго, Жибути ва Мисрни қўшиш мумкин. Мазкур давлатларда ташқи қарзнинг ЯИМга нисбати 100 фоиздан ортади ва пандемия шароитида молиявий қийинчиликларни ҳал этиш жиддий муаммага айланган.

Бу ерда гап қўшимча ташқи қарз жалб қилмаган ҳолда айнан пандемия инқирози оқибатида қарзга хизмат кўрсатишнинг оғирлашгани ҳақида кетмоқда. Мазкур мамлакатларга қўмаклашишнинг бирдан-

бир йўли ташқи қарзни реструктуризация қилган ҳолда қўшимча бегараз молиявий ёрдам ёки имтиёзли шартларда янги қарз бериш ҳисобланади.

Хозирги давр мураккабликлари инсониятни шошириб қўймоқда. Пандемия оқибатларини юмшатиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш турли мамлакатларда энг устувор йўналишга айланди. Шубҳасиз, юқори давлат қарзи, хусусан, хорижий валютада олинган ташқи қарзга хизмат кўрсатиш пандемия боис янада мураккаб-лашди. ЯИМнинг пасайиши, миллий валюта қадри тушиши оқибатида давлат қарзнинг ЯИМга нисбати кескин ошиб бормоқда.

## Маблағлар аниқ мақсадларга йўналтирилмоқда

Ўзбекистонда пандемия туфайли юзга келган мураккаб вазиятга қарамай, халқаро ликвидликка пугур этказмаган, янги халқаро захираларни сарфламаган ҳолда ташқи қарз ислохотларни давом эттириш, устувор равишда ижтимоий соҳа лойиҳаларни молиялаштиришга жалб қилинмоқда. Бу эса айни шароитда мавжуд таҳдидларга тезкор жавоб бериш йўлидир. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, одатда ташқи қарз жалб этилишидан аввал етарли асосланган лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиши, улар мамлакат учун айни пайтда ортага суриб бўлмайди, стратегик аҳамиятга эга, долзарб масалалар ечимига қаратилган бўлиши, давлат томонидан белгилаб қўйилган устувор йўналишларга мос келиши шарт.

2021 йил 1 январь ҳолатига қўра, Ўзбекистон Республикаси номида ва унинг қаролати остида жалб қилинган ташқи қарз 21,1 миллиард долларни, ЯИМга нисбатан эса 36,5 фоизни ташкил этмоқда.



Ўзбекистон давлат қарзнинг сўнгги йиллардаги ўсиш суръати барчамизни бир оз ташвишга солаётгандай. Лекин ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатларининг ЯИМга нисбатан 1,7 фоизни, давлат ташқи қарзнинг Ўзбекистоннинг халқаро захираларига нисбати 60 фоизни ташкил этиши, кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг реал ўсиши 5-6 фоиз прогноз этилаётганини инобатга олсак, ташқи қарзни қайтаришда ҳеч қандай муаммолар туғилмаслиги равшан бўлади.

Давлат ташқи қарзнинг асосий қисми нефть-газ, кимё саноати соҳаларида янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иссиқлик электр станцияларини қуриш ва модернизация қилиш, ичимлик сув таъминотини яхши-лаш, канализация тизимини ривожлантириш ҳамда бошқа саноат тармоқларидаги янги лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилган. Шундай экан, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, инфратузилмани ривожлантириш, қури-лиш соҳасига инвестициялар, ижтимоий соҳани молиялаштиришга жалб қилинган маблағлар, пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Бу борада яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш жоиз. Жаҳон банки прогнозига қўра, Ўзбекистон иқтисодиёти 2021 йилда 6 фоиз ўсиши кутилмоқда.

Тўғри, пандемия даврида кўплаб мамлакатлар иқтисодий инқирозни бошидан кечирди. Аммо Ўзбекистон айрим ривожланган мамлакатлар қаторида бундай инқирознинг олдини олиш учун муҳим чораларни қўлади. Жаҳон банки бу чора-тадбирларни ижобий баҳолади. Жумладан, пандемия даврида солиқлар ундирилишини тўхтатиб туриш, кредит тўловлари муддатини узайтириш, иқтисодиёт тармоқларини субсидиялар орқали қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолига ижтимоий ёрдам бериш чоралари эътироф этилди.

Шу билан бирга, Жаҳон банки Ўзбекистонда амалга оширилаётган очиклик сиёсати ва ҳамкорликка тайёрлигига, иқтисодиёт бақарор ўсиб бораётганига ижобий ҳулоса берди. Шунингдек, Ўзбекистондаги иқтисодиёт соҳаси экспертлари, олимлар ҳам мамлакатимизнинг ўз ташқи қарзини тўлашга имкониятини ҳамда салоҳиятини етишини, бу қарз салбий оқибатларга эмас, аксинча, олдимизга қўйган катта марраларни забт қилишга асос бўлишини қайд этди.

**Муҳиддин ПЎЛАТОВ,**  
**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

## Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига! 2020/2021 ЎҚУВ ЙИЛИДА ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчилар тўғрисида маълумот

Институт маъмурияти битирувчиларни иш жойларига тақсимлаш бўйича ҳамкорликка тақдир этилади. Бугунги кун талабларига мос келадиган битирувчи бакалавр ҳамда магистрларга эҳтиёжи бўлган корхона раҳбарлари мутахассисларга иш жойини танлаш имкониятини яратиш мақсадида институт раҳбариятига талабнома ва сўров хати билан мурожаат қилишлари мумкин. (Г — давлат гранти асосида, Ш — шартнома асосида).

Т/р	Шифри	Таълим йўналишлари номи	Битирувчилар сони			Фарғона шаҳри		Фарғона вилояти		Андижон вилояти		Наманган вилояти		Бошқа вилоятлар	
			Жами	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш	Г	Ш
<b>Бакалаврият</b>															
1.	5111000	Касб таълими (электр энергетикаси)	19	5	14	3	5	6		5					
2.	5111000	Касб таълими (кимё-технология)	23	4	19	2	4	17							
3.	5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар)	55	4	51	8	4	32		5		5	1		
4.	5230200	Менежмент	24	5	19	3	4	14	1	2					
5.	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	23	4	19	2	4	16		1					
6.	5310200	Электр энергетикаси	142	50	92	5	12	34	51	7	17	4	11	1	
7.	5310600	Ер усти транспорт тизимлари ва эксплуатацияси	142	31	111	1	13	28	91	3	2	2	2	2	
8.	5310700	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари	54	10	44	1	4	8	36	1	2	1	1	1	
9.	5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти	76	10	66	11	8	49	2	5				1	
10.	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш	88	26	62	4	6	19	47	2	8	1		1	
11.	5311500	Геодезия, картография ва кадастр	62	20	42	2	5	16	27	2	7	2		1	
12.	5320200	Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришнинг жиҳозлаш ва автоматлаштириш	144	38	106	5	19	29	75	1	9	2		3	
13.	5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар	117	27	90	1	17	23	70	2	2		1	1	
14.	5320400	Кимёвий технология	178	45	133	7	23	35	102	3	4	2		2	
15.	5320900	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш технологияси	134	31	103	1	24	30	75		5				
16.	5321000	Озик-овқат технологияси	99	19	80	4	12	13	65	2	2			1	
17.	5321200	Табиий толани дастлабки ишлаш технологияси	46	14	32	1	5	12	27	1					
18.	5321300	Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси	39	6	33	2	6	2	18	2	8		1		
19.	5321600	Енгил саноат технологияси жиҳозлари	52	10	42	1	9	9	33						
20.	5340100	Архитектура	51	17	34	7	8	10	22		4				
21.	5340200	Бино ва иншоотлар қурилиши	40	8	32	2	12	6	17		3				
22.	5340300	Шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги	57	10	47	1	8	6	32	3	7				
23.	5340400	Мухандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи	104	28	76	10	18	16	54	2	4				
24.	5340500	Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш	45	5	40		4	5	35		1				
25.	5341000	Қишлоқ ҳудудларини архитектуравий лойиҳавий ташкил этиш	80	35	45	13	17	20	25	1	3	1			
26.	5410500	Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси	101	27	74	4	7	22	65	1	1		1		
27.	5610100	Хизматлар соҳаси	53	9	44	2	7	7	36	1					
<b>ЖАМИ:</b>			<b>2048</b>	<b>493</b>	<b>1531</b>	<b>74</b>	<b>265</b>	<b>379</b>	<b>1137</b>	<b>34</b>	<b>108</b>	<b>10</b>	<b>25</b>	<b>2</b>	<b>15</b>
<b>Магистратура</b>															
1.	5A310104	Саноат иссиқлик энергетикаси	9	6	3	1	1	3	2			2			
2.	5A310201	Электр таъминоти (саноат корхоналари ва шаҳарлар)	15	7	8	1	4	5	4					1	
3.	5A310202	Энергия тежамкорлиги (саноат)	17	7	10										
4.	5A310601	Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (автомобиль транспорти бўйича)	20	7	13	3	7	2	6	2					
5.	5A320203	Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (машинасозликда)	12	6	6	2	2	3	3	1	1				
6.	5A320305	Кимёвий саноат ва қурилиш материаллари корхоналарининг машиналари ҳамда аппаратлари	12	6	6	2		4	6						
7.	5A320401	Ноорганик моддалар кимёвий технологияси	17	8	9	2	2	6	7						
8.	5A321003	Озик-овқат хавфсизлиги	15	8	7	5	5	3	2						
9.	5A340203	Инфратузилма объектларини қуриш (иншоотлар тури бўйича)	7	7		1		6							
10.	5A340401	Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш	7	6	1	1	1	5							
11.	5A340403	Иссиқлик-газ таъминоти, вентиляция, хавони муътадиллаш ва хаво ҳавасини муҳофаза қилиш	3	3		1		2							
12.	5A410501	Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (дала экинлари маҳсулотлари бўйича)	11	2	9		3	2	6						
13.	5A341001	Қишлоқ аҳолиси яшаш жойларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш	9	5	4	4	3	1	1						
<b>ЖАМИ:</b>			<b>154</b>	<b>78</b>	<b>76</b>	<b>23</b>	<b>28</b>	<b>42</b>	<b>37</b>	<b>3</b>	<b>1</b>	<b>2</b>		<b>1</b>	
<b>Институт бўйича жами:</b>			<b>2202</b>	<b>571</b>	<b>1607</b>	<b>97</b>	<b>293</b>	<b>421</b>	<b>1174</b>	<b>37</b>	<b>109</b>	<b>12</b>	<b>25</b>	<b>2</b>	<b>16</b>

Манилимиз: Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй. ФарПИ буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими. Маълумот учун телефон: 73-241-20-37. Факс: 73-241-12-06.

## Central Asia: КИТОБХОНЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Биринчи навбатда, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятида болалар ҳамда ёшларни ўқига жалб қилиш бўйича муваффақиятли услубий ишланмалар, лойиҳаларни соҳага татбиқ этиш бизнинг олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, китоблар ва китобхонликни оммалаштириш ҳамда рағбатлантиришга қўмаклашув-

### Павел КУЗЬМИН, М. И. Рудомини номидаги Умуроссия давлат чет эл адабиёти кутубхонаси бош директори:

— Ўзбекистон Миллий кутубхонасига кираверишда улуғ мутафаккир ва шоир Алишер Навоийнинг 580 йиллиги муносабати билан осилган улкан сурат-лавҳага кўзим тушди. Қайси халқ ўз маънавий йўлбошчисини танир экан, у ҳеч қачон тўғри ҳамда саодатли йўлдан оғишмайди. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда аҳоли орасида мутолаа маданиятини юксалтириш, китоблар нашр этиш ва тарқатиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур зиё маскани фаолияти билан танишиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Кейинги йилларда унинг фон-

